БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 14 (7461)
19 ЯНВАРЬ ПАЙШАНБА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тийин.

Ўзбекистон ССР 25 йиллигининг байрам қилиниши ўзбек халқининг ўз жонажон ҳукуматига, шонли большевиклар партиясига ва улуғ йўлбошчи ўртоқ Сталинга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқатини изҳор қилучи ёрқин намойишга айланди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси 25 йиллигига бағишланган юбилей сессиясида

Ўртоқ Л. М. КАГАНОВИЧ нутқи

Қадрдон ўртоқлар!

Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитети ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Совети номидан ва уларнинг топшириғига биноан, сизларни, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг йигирмабеш йиллиги блан табриклайман ва барча ишчилар, колхозчилар ҳамда зиёлиларга большевикча қардошлик саломини топширамен. **(Гулдурос қарсаклар, ҳамма ўрнидан туради, Улуғ Сталинга ура! деган хитоблар янграйди).**

Ишчилар синфи энг камбағал деҳқонлар блан иттифоқ бўлиб амалга оширган Улуғ Октябрь социалистик революцияси капиталистлар ва помешчиклар ҳокимиятини ағдариб ташлади ва Советлар ҳокимиятини барпо қилди. Бу революция ижтимоий ва миллий зулмни бир зарба блан абадий тугатди. У, ишчиларни капитализм асоратидан, деҳқонларни феодал-помешчиклар асоратидан ва мазлум миллатларни империализм асоратидан озод қилди. Улуғ Ленин ва Улуғ Сталин бошчилигидаги қаҳрамон большевиклар партияси раҳбарлик қилганлиги туфайли СССР халқлари ғалаба қилдилар. **(Гулдурос қарсак ва олқишлар).**

Октябрь революцияси мамлакатимизда халқлар ўртасидаги душманлик ва адоватни абадий тугатди, барча халқларни ягона, мустаҳкам қардошлик иттифоқига бирлаштирди ва уларга ўзларининг барча ижодий кучларини ривожлантиришлари учун кенг йўл очиб берди. Бу эса, рус пролетариатининг, биринчи галда энг йирик революцион марказлар — Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардаги пролетариатнинг СССР халқлари учун қилган буюк тарихий хизматидир.

Ўртоқ Сталин совет ижтимоий ва давлат тузумининг Ватан урушида қозонган ғалабаси буюк аҳамиятга эга эканини та'кидлаб, бундай деган эди: «Совет давлат тузуми кўп миллатли давлат намунаси, совет давлат тузуми давлат ташкилотининг миллий масала ва миллатлар ҳамкорлиги масаласи бошқа ҳарқандай кўп миллатли давлатдагига нисбатан яхши ҳал этилган системаси бўлиб чиқди».

Совет Иттифоқининг халқлари ва уларнинг биринчи сафларида турган ўзбек халқи ички ва ташқи душманларнинг ҳаммасига қарши курашда большевиклар партиясининг ва ўртоқ Сталиннинг раҳбарлиги остида буюк ғалабаларга эришди. Улар қаҳрамонона курашиб ва зўр ғайрат, фидокорлик блан меҳнат қилиб барча қийинчиликларни енгдилар, машаққатларга бардош бердилар, улуғ мақсад учун — барча душманлар устидан ғалаба қозониш ва ер юзида янги, бахтиёр ҳаёт—коммунизм барпо қилиш учун жонларини фидо қилишдан ҳам қайтмадилар. **(Қарсаклар).**

Ленин ва Сталин илгари эзилиб келган қолоқ халқларга, шу жумладан ўзбек халқига асрлар бўйи давом этган қолоқликни тугатаоладиган йўлни ва тараққиётнинг уқубатли капиталистик босқичини бошдан кечирмай, социалистик йўлдан бориб, илғор халқларга етиб олиш йўлини кўрсатиб бердилар.

Улуғ Ленин бундай деган эди: «Қолоқ мамлакатлар энг илғор мамлакатлардаги пролетариатнинг ёрдами блан совет тузумига ўтаоладилар ва тараққиётнинг капиталистик босқичини бошдан кечирмай, тараққиётнинг муайян палласи орқали коммунизмга ўтаоладилар».

Ўртоқ Сталин Ленининг ана шу та'лимотини назарий жиҳатдан ривожлантириб, Шарқдаги совет республикаларида социалистик қурилишнинг кенг программасини чизиб берди ва деҳқонларни ишчилар синфи теварагига жиплаштириш учун база сифатида саноат ўчоқларини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалигини ва биринчи галда суғориш ишларини яхши йўлга қўйиш, кенг деҳқонлар ва ҳунармандлар оммасини кооперативлаштириш ишларини кучайтириш, Советларни оммага яқинлаштириш, уларни миллийлаштириш ва меҳнаткашлар оммасига яқин ҳамда тушунарли бўлган миллий совет давлатини барпо этиш, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни ривожлантириш, маҳаллий кишилар орасидан совет—партия ва касаба союз — хўжалик кадрларини тайёрлаш учун она тилида курс ва мактабларни кўпайтириш зарурлигини кўрсатди.

Совет Шарқининг халқлари большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида бу вазифаларни бажариб, илгари мавжуд бўлган иқтисодий тенгсизликни тугатишга, бу халқларни социалистик қурилишнинг умумий системасига жалб этишга, жиплашган социалистик миллатларга айлантиришга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистон ССР ўзининг йигирмабеш йиллик юбилейига социализм қурилишида, социалистик индустрлашни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаш, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятни ривожлантириш, миллий совет давлатини барпо қилиш, жуда кўп миллий кадрларни тайёрлаш, Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партиясини ўстириш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги катта-катта муваффақиятлар блан келди. Ўзбек халқи ягона улуғ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини ташкил этган халқларнинг мустаҳкам дўстона қардошлик оиласида олдинги ўринлардан бирини эгаллаганлиги туфайли тамомила ҳақли суратда фахрлана олади. **(Гулдурос қарсаклар).**

Партиямизнинг ленинча-сталинча доно миллий сиёсатини қат'ий амалга ошириш натижасида, ВКП(б) Марказий Комитетининг сталинча раҳбарлиги натижасида, Совет Ўзбекистонидаги ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг қаҳрамонона меҳнати, улуғ рус халқи, украин, грузин халқлари ва СССРдаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами туфайли бу муваффақиятларга эришилди. Ўртоқ Сталин бундай деган эди: «Империализм блан алоқани узмай туриб, «ўз» миллий буржуазиясини ағдармай туриб ва меҳнаткашлар оммасининг ўзи ҳокимиятни қўлга олмай туриб, мазлум миллатларнинг меҳнаткашлар оммасини озод қилиш ва миллий зулмни йўқотиш мумкин эмас». Ўзбекистон коммунистлари ва меҳнаткашлари ўртоқ Сталиннинг шу кўрсатмасини яхши англаб, амалга оширганликлари натижасида ана шу муваффақиятларга эришилди.

Ўзбек халқининг шон-шуҳрати учун шу нарсани та'кидлаб ўтиш зарурки, Ўзбекистон меҳнаткашлари «ўз» миллий буржуазияси блан, империализм блан алоқани ўз вақтида, қат'ий ва абадий узаолдилар, ажнабий империалистларга сотилган бандитларни—бойлар, хонлар, босмачиларни тор-мор келтираолдилар. Ўзбек халқи Совет Шарқидаги бошқа миллат меҳнаткашлари блан биргаликда, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар блан биргаликда рус ишчиларининг, жумладан, Тошкент темир йўл ишчиларининг ёрдами блан ўзларининг жонажон Совет ҳокимиятини барпо қилди ва мустаҳкамлади.

Бунинг ма'носи шуки, ўзбек халқи бугун ўз Республикасининг йигирмабеш йиллигини байрам қилиш блан бирга, ўз озодлигининг ўттиз икки йиллигини ҳам байрам қилмоқда. Ўзбек халқи Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида Улуғ Ленин ва Улуғ Сталиннинг доҳиёна раҳбарлиги остида мамлакатимиздаги барча халқлар блан биргаликда озодликка эришди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Синфий душманларга қарши, ҳарқандай тусдаги миллатчиларга қарши, партия ичидаги троцкичиларга ва ўнг-қулоқ агентларига, империалистик разведкаларнинг жосусларига қарши, халқнинг ҳамма душманларига қарши курашда ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, тожиклар, қирғизлар орасидан чиққан чинакам коммунист-большевиклар ўсди, чиниқди ва мустаҳкамланди.

Шарқдаги совет республикаларида мустаҳкам миллий большевик партия ташкилотларини вужудга келтириш ва жиплаштириш орқасидагина миллий совет давлатини ташкил этиш ва муваффақиятли суратда қуриш, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар кенг оммасини социалистик қурилишга жалб этиш ва буюк муваффақиятларга эришиш имконияти туғилди. Ўртоқ Сталин бу кадрларни пастдан юқорига кўтариш ва тарбиялаш тўғрисида айниқса кўп ғамхўрлик қилди.

Меҳнатсевар ўзбек халқи асрлар мобайнида азоб ва уқубат чекди. Чор амалдорлари, хонлар ва бойлар зулми остида кулфат чеккан деҳқонларнинг қисмати айниқса оғир эди. Ўзбекистоннинг энг яхши кишилари норозилик билдириб, қўзғолонлар уюштирдилар. Аммо бу қўзғолонлар муваффақиятсиз чиқиб, мағлубиятга учраган эди, чунки у вақтларда ишчилар синфи ва унинг партияси каби ташкил этучи ва раҳбарлик қилучи буюк куч йўқ эди.

Пролетариат ва унинг интернационалист большевиклар партияси ҳамда барча меҳнаткашларнинг гениал йўлбошчилари Улуғ Ленин ва Улуғ Сталин ўзбек халқини азоб ва кулфатлардан, қирилиб битиш хавфидан, қуллик, зулм ва эксплоатациядан халос қилдилар. **(Гулдурос қарсаклар).**

★

Ўртоқ Сталин бундан 25 йил муқаддам ўзига хос донолик ва донишмандлик блан, Ўзбекистон ССР нинг ташкил этилишига юксак баҳо берди. Ўртоқ Сталин 1925 йил февраль ойида Ўзбекистон компартиясининг биринчи қурултойига юборган табригида қуйидагиларни ёзган эди: «Ўзбек ерларининг ягона республикага бирлаштирилиши бутун Шарқ учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган воқиадир. Деҳқонларнинг аҳволи кескин суратда яхшиланиб, майда ижарачилар бойлар асоратидан қутқазилган тақдирдагина бу республика Шарқда қудратли куч бўлаолади. Ўзбекистон коммунистлари бу вазифаларни амалга ошириш учун ўз кучларини аямайдилар. Бунга шак-шубҳа қилмайман».

Ҳозирги кунда Ўзбекистон большевиклари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф блан бажардилар ва ВКП(б) Марказий Комитетининг ишончини ҳамда ўртоқ Сталиннинг ишончини оқладилар, деб айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Ўзбекистон ССР социализмнинг Шарқдаги қудратли кучи ва энг йирик таянчи бўлиб қолди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Деҳқонларнинг аҳволини тубдан яхшилаш соҳасида ўртоқ Сталин томонидан қўйилган вазифани тўғри ҳал этиш жуда катта аҳамиятга эга эди. Бу вазифанинг муҳимлигига сабаб шу эдики, революциядан илгариги даврда хонлар ва бойлар рус мустамлакачилари—капиталистлар, помешчиклар ва қулоқлар блан биргаликда деҳқонларни шафқатсиз эксплоатация қилдилар, уларнинг бениҳоя оғир меҳнатлари самараларини ўзларининки қилиб олдилар. Буларнинг ҳаммаси деҳқонларнинг ёппасига хонавайрон бўлиб қашшоқланишига сабаб бўлди, ишлабчиқариш кучларининг, хусусан пахтачиликнинг ривожланишига халақит берди, мустамлака Туркистонини рус капитализмининг хомаш'ё етказиб берадиган деҳқончилик ўлкасига айлантирди.

Деҳқонлар аҳволини яхшилаш даставвал, ер-сув ислоҳотини ўтказиш блан боғлиқ эди. Илгари помешчиклар, бойлар ва қисман катта руҳонийлар қўлида бўлган юз мингларча гектар маҳсулдор ерлар ер-сув ислоҳоти натижасида улардан тортиб олинди ва батракларга ҳамда кам ер деҳқонларга берилди. Илгари деҳқонларнинг салкам 80 процента ерсиз эди, ёки уларнинг ерлари жуда кам эди, ерларнинг асосий қисми 2,5 процентни ташкил этган қишлоқ бойлари қўлида эди. Ер-сув ислоҳоти ўтказилиши натижасида асрлар бўйи давом этган ана шу адолатсизликка хотима берилди.

Шарқда сув, ирригация ишлари ғоят катта аҳамиятга эгадир. Асрлар мобайнида сув масаласи кенг деҳқонлар оммасини асорат остига олиш воситаси бўлди, чунки хонлар, бойлар, шунингдек рус мустамлакачилари — помешчиклар, қулоқлар, князьлар ирригация шохобчаларига эга бўлишларидан фойдаланиб бутун-бутун қишлоқ ва районларни ўзларига бўйсундирдилар, деҳқонларнинг пахта экиб жуда оз олган даромадларининг талайгина қисмини ҳам тортиб олдилар.

Совет ҳокимияти ўзбек қишлоқларидаги бундай аҳволга абадий хотима берди. Эндиликда ер каби сув ҳам Совет давлатининг—бутун халқнинг мулки бўлиб, колхозчи деҳқонлар ихтиёрига топширилган.

Колхоз тузуми ва совхозларнинг ғалабаси, қишлоқ хўжалигини кенг миқ'ёсда машиналаштириш, илғор агротехникани жорий қилиш, химия ўғитларидан фойдаланиш ва йирик ирригация қурилиши натижасида Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигида чинакам революцион ўзгариш ясалди. Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта конига айланди. Ҳозирги вақтда пахта майдонлари, пахтанинг ялпи маҳсулоти ва ҳосили 1913 йилдагига нисбатан бирнеча марта кўпайди.

Ўзбекистон республикасининг ирригация қурилиши соҳасида эришган буюк ютуқлари пахтачиликни ривожлантириш учун муваффақиятли кураш олиб боришга катта ёрдам бермоқда. ВКП(б) Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Сталин йирик ирригация иншоотлари қуриш планларини тасдиқладилар. Иттифоқ ҳукумати жуда кўп миқдорда асбоб-ускуна ва материаллар берди, йирик қурилиш ишларига кўп маблағ ажратди.

Ўзбек халқи ва биринчи галда колхозчилар Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раҳбарлиги остида зўр ғайрат блан ишлаб, халқ қурилишлари методи блан йигирмадан ортиқ йирик ирригация каналларини қазидилар. Совет ҳокимияти йилларида ирригация шохобчаларининг сув ўтказиш кучи 1913 йилдагига нисбатан 68 процент ортди.

Большевикларнинг сув учун олиб борган қаттиқ кураши натижасида колхозларнинг пахта далалари яшнамоқда, колхозчи деҳқонларнинг моддий аҳволи тобора яхшиланмоқда. Масалан, Мирзачўл ерлари асрлар бўйи қақраб ётар эди. Большевиклар бу ерларга келиб, каналлар қазидилар, кенг ерларга сув чиқардилар ва: «Энди Мирзачўл йўқ!» дедилар. Ҳозирги вақтда сув чиқарилган Мирзачўл тўқ, бадавлат ерларга, хуллас Сталин водисига айланмоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бу ишлар натижасида, Ватанимизнинг пахта мустақиллигига эришиш юзасидан ўртоқ Сталин томонидан қўйилган вазифа аллақачонлар бажарилди. Ўртоқ Сталиннинг пахтакор колхозчилар тўғрисида, уларнинг моддий аҳволини яхшилаш тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги, пахта нархининг оширилиши, топшириладиган пахта миқдорини кўпайтирганликлари учун колхозларга устама мукофотлар берилаётганлиги, пахтадан мўл ҳосил етиштирганлик учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон берилаётганлиги, Совет Иттифоқи орден ва медальлари блан мукофотлаш Ўзбекистонда пахтачиликни зўр бериб ривожлантиришда катта роль ўйнади.

Аммо пахта ҳосили ва ялпи маҳсулотнинг эришилган даражаси, экин майдонларининг миқдори бизни ҳали сра ҳам қониқтирмайди. Ўзбекистон большевиклари ВКП(б) Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг ва шахсан ўртоқ Сталиннинг кўрсатмаларига амал қилиб, танқид ҳамда ўз-ўзини танқидни кучайтириб, хотиржамликка ва кибрланишга қарши курашмоқдалар.

Пахта ҳосилини ошириш учун ҳамма имкониятлар мавжуддир. Ҳозирги вақтда гектаридан 40—50 центнер ва бундан ҳам ортиқ пахта бераётган колхозлар бор. Дуруст, бундай колхозлар ҳали оз. Аммо ўртоқ Сталин бизга ўсиб бораётган янги кучларга, гарчи улар ҳозирча озчиликни ташкил этса ҳам, уларга таяниб иш кўриш керак деб та'лим беради. Келажак ана шу колхозларга мансуб эканлигига шубҳаланмаса ҳам бўлади. **(Қарсаклар).**

1949 йилда давлатга 1948 йилдагига қараганда кўпроқ пахта топширилди. Аммо Ўзбекистон республикаси пахта ҳосили, пахтанинг ялпи маҳсулоти ва давлатга пахта топшириш юзасидан берилган топшириқни тўла бажармади.

Иттифоқ Ҳукумати ва шахсан ўртоқ Сталин пахтачиликни янада ривожлантиришда Ўзбекистон республикасига доим катта ёрдам бериб келмоқдалар. 1950 йилда республика қишлоқ хўжалигидаги йирик қурилиш ишларига чиқариладиган маблағни кўпайтириш, мингларча янги юк автомобильлари, тракторлар юбориш, юзминг тонналаб минерал ўғитлар, станоклар, металл, ёғоч-тахта, цемент ва бошқа материаллар жўнатиш кўзда тутилади.

Советлар мамлакати, ВКП(б) Марказий Комитети, Иттифоқ Ҳукумати Ўзбекистон республикаси бу ёрдамга жавобан 1950 йилда экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилни кўпайтириш, пахтанинг ялпи маҳсулотини ошириш юзасидан берилган топшириқларни бажаради деб умид боғлайдилар. Бунинг учун қишлоқ хўжалигидаги камчиликларни йўқотиш, қишлоқ хўжалик машиналаридан яхши фойдаланиш, агротехникани баланд даражага кўтариш, шудгор қилинадиган ерларни кўпайтириш, экинларни яхши парвариш қилиш, пахтани ўз вақтида териб олиш зарур. Мавжуд ирригация шохобчаларидан фойдаланишни яхшилаш керак.

Пахтакор колхозчилар қурултойи ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг юбилей сессияси ҳосилни ошириш, пахтанинг ялпи маҳсулотини ва давлатга топшириладиган пахта миқдорини кўпайтириш юзасидан катта мажбуриятларни олмоқдалар. Ўзбекистон ССР бу мажбуриятларни шараф блан бажаради ва мамлакатимиз «оқолтин»ни халқ хўжалиги талаб қилган миқдорда олади, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

★

Ўзбекистон ССР ўзининг йигирмабеш йиллигига социалистик индустрияси ривожланган республика бўлиб, улуғ индустриал давлат Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб келди. **(Қарсаклар).**

Сталинча бешйилликлар даврида республикада саноатнинг янги тармоқлари вужудга келтирилди, ер тагидаги кўп бойликлар—кўмир, нефть, рангли металл ва шу сингарилар чиқарилабошлади.

Пахта кони бўлган Ўзбекистонда электр қуввати блан кам та'минланган, эски техникага асосланган майда пахта тозалаш заводларини ҳисобга олмаганда, илгари тўқимачилик корхоналари йўқ эди. Бу ердан неча минг километрлик масофага пахта олиб борилар, сўнгра эса у ердан газлама келтирилар эди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 150 дан ортиқ тўқимачилик, пиллакашлик, тикучилик корхоналари бор. Ўзбекистон ССР аҳолисининг ип газлама ва шойига бўлган эҳтиёжлари республикада тайёрланаётган маҳсулот блан тўла та'минланмоқда, бу маҳсулотнинг бир қисми эса Совет Иттифоқидаги бошқа қардош республикаларга чиқарилмоқда.

Ўзбекистонда химия саноати йўқ эди. Бу саноат энди вужудга келтирилди. Бундай корхоналар ўртасида Сталин номли Чирчиқ электрохимия комбинати каби катта корхоналар бор. Ўзбекистон ССРнинг химия саноати Ўзбекистоннинг колхоз ва совхоз далалари учун юзминг танналаб азотли ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистонда машинасозлик саноати йўқ эди. Эндиликда Ўзбекистон ССР машинасозликнинг йирик маркази бўлиб, унда неча ўнлаб машинасозлик корхоналари бор. Бу корхоналар пахта далалари учун қишлоқ хўжалик машиналари, химия асбоблари ва бошқа ускуналар, экскаваторлар, йўл машиналари, тракторларнинг запас қисмларини ишлаб чиқармоқдалар.

Ўзбекистонда кўмир саноати бутунлай йўқ эди, нефть саноати эса бошланғич ҳолида эди. Биттагина нефть кони бўлиб, уни қаттиқ эксплоатация қилар эдилар. Бу нефть кони 1913 йилда 13,2 минг тонна нефть берган эди. Ҳозирги вақтда Оҳангарон кўмир ҳавзаси янгидан ўзлаштирилди, нефть саноатининг бирқанча йирик корхоналари ишламоқда.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси 25 йиллигига бағишланган юбилей сессиясида

Ўртоқ Л. М. КАГАНОВИЧ нутқи

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Ўзбекистонда бинокорлик материаллари саноати аслида йўқ эди. Ҳозирги вақтда республикада цемент, шифер, ғишт, асбоцемент трубалари ва шу сингариларни ишлабчиқараётган неча ўнлаб йирик корхоналар бор.

Республика металлургиясининг тўнғич корхонаси—Ўзбекистон металлургия заводи ишга туширилди. Бу завод 1950 йилда республиканинг ўсиб бораётган машинасозлик саноати учун зарур бўлган металлни анча кўп ишлаб чиқаради.

Сталинча бешйилликлар даврида, Ватан уруши даврида ва урушдан кейинги йилларда 900 дан ортиқ йирик корхона ишга туширилди. Бу йиллар ичида саноатга 7 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Оғир саноат маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан 215 марта кўп ортди, унинг салмоғи эса 1948 йилда 42,3 процентни ташкил этди, ҳолбуки революциядан илгари Ўзбекистонда оғир саноат йўқ эди.

Республикани электрлаш соҳасида айниқса катта муваффақиятларга эришилди. Чиқарилаётган электр қуввати 1913 йилдагига нисбатан қарийб юз марта ортди. Ҳозирги вақтда республикада 800 га яқин йирик ва майда электр станциялар ҳамда гидростанциялар бор. Бутун мамлакат Фарҳод ГЭС и каби ажойиб иншоот блан фахрланади.

Вужудга келтирилган саноат негизида республикада Чирчиқ, Оҳангарон, Бекобод каби янги шаҳарлар қурилди. Ўзбекистон ССР нинг пойтахти Тошкент эса йирик саноат марказига айланди. Тошкент аҳолиси ўртасида неча ўн минглаб ишчилар бор. Ҳолбуки, Ўзбекистон ССР ташкил этилган пайтгача темир йўл ишчилари ва ҳунарманд ишчилар Тошкентнинг асосий пролетариати бўлиб ҳисобланар эди.

Ўзбекистон ўтмишда қолоқ ва иқтисодий жиҳатдан жуда тубан мамлакат эди, эндиликда бу қолоқликдан асар ҳам қолмаганлигини кўриб турибмиз. Бу мамлакатда вужудга келтирилган саноат Ўзбекистон ССР нинг Ватан уруши даврида улуғ саркарда ўртоқ Сталиннинг етакчилигида фронтни зарур нарсаларнинг ҳаммаси блан та'минлаган ва қаҳрамон Совет Армиясининг ғалабасига замин тайёрлаган мамлакатимизнинг муҳим қисми бўлишига имкон берди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Саноат соҳасида эришилган муваффақиятлар ҳам хотиржам бўлишимизга, қибрланиб кетишимизга йўл қўймайди. Биз, коммунизм қуриш йўлидан олға бориб, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини тобора мустаҳкамлаб, бутун Иттифоқда янги корхоналарни кўпроқ қурмоқдамиз ва мавжуд корхоналардан ҳартарафлама яхши фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Шу сабабдан, биз республика тарихининг янги чорагига қадам қўйган пайтимизда қурилишларни арзонлатиш, қурилишнинг сур'атларини тезлатиш, бинокорлик материаллари ва металлни тежаб сарф қилиш, мавжуд машиналардан яхшироқ фойдаланиш вазифаларига кўпроқ э'тибор қилмоғимиз керак. Хўжаликнинг барча тормоқларида ишловчи миллий ишчи кадрлари ва мутахассислар тайёрлаш ишларини кучайтириш, корхоналарга ва бутун хўжаликка раҳбарликни яхшилаш, ишчилар ва колхозчилар оммасининг социалистик мусобақасини кучайтириш ва янада баланд даражага кўтариш, ишчилар оммасининг моддий аҳволини янада яхшилаш ва маданий савиясини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш, уй-жой қурилишини кенгайтириш зарур.

Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллиги даврида ишчилар синфининг жуда кўп миллий кадрлари, хўжалик ходимлари, саноатнинг ва бутун халқ хўжалигининг турли тормоқларида ишлаётган мутахассислар тайёрланди. Бу ишлар эса бутун Совет Иттифоқидаги каби Ўзбекистонда ҳам бўлиб ўтган маданий революция натижаси, ленинча-сталинча доно миллий сиёсат ғалабасининг натижаси, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни вужудга келтириш натижасидир. **(Қарсаклар).**

Совет ҳокимиятининг биринчи йилларида миллий кадрларни қидириб топишимиз ва танлаб олишимиз бениҳоя қийин эди, чунки саводли, билимли кишиларнинг талайгина қисми аҳолининг бой табақаларига мансуб эди. Революциядан илгари Ўзбекистон аҳолисининг икки процанти саводли эди. Ватан уруши арафасида эса саводлилар тобора ортиб, 95,2 процентга етди. 1928—1949 йиллар мобайнида 80,000 дан ортиқ киши олий ўқув юртлари ва техникумларни тамомлаб чиқди.

Революциядан илгари Ўзбекистонда битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 34 олий ўқув юрти, 92 техникум, 4,5 мингдан ортиқ бошланғич ва ўрта мактаб ишламоқда. 3.000 маданият саройи, маданият уйлари ва клублар, 800 га яқин кино установка, 1.315 кутубхона, 16 музей, 27 театр, консерватория бор, кундалик тиражи 600 минг нусхага етадиган жуда кўп газета ва журналлар чиқарилмоқда.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ўртоқ Сталиннинг ташаббуси блан тузилган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси 25 институт, илмий лаборатория ва станцияларни бирлаштиради. Ўзбек олимлари, ёзучилари, артистлари, зиёлилари ўз халқига садоқат блан хизмат қилмоқдалар, бутун совет халқининг фан, сан'атига, социалистик маданиятига кўпгина қимматли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўзбек халқи Маркс, Энгельс, Ленин, Сталиннинг ўлмас ғояларини эгалламоқда. Марксизм-ленинизм классикларининг деярли барча асосий асарлари ўзбек тилида нашр этилди, В. И. Ленин ва И. В. Сталин Асарларининг тўплами нашр этилмоқда. Ўзбек меҳнаткашлар ўзбек тилида ўз ёзучиларининг асарларинигина эмас, балки рус ва жаҳон адабиёти классикларининг асарларини ва ҳозирги совет ёзучиларининг китобларини ҳам ўқимоқдалар. Совет ҳокимияти халқ соғлиғини сақлашга жуда катта э'тибор қилмоқда.

Октябрь революцияси озод қилган ўзбек хотин-қизларининг республика эришган барча муваффақиятларда, хусусан пахтачилик соҳасидаги муваффақиятларда хизматлари жуда каттадир. **(Қарсаклар).**

Октябрь революциясидан илгари ўзбек хотин-қизлари иккиёқлама ва учёқлама эзилган, паранжи ичига ўралиб қолган ва гражданлик ҳуқуқларидангина эмас, балки энг оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум этилган эди. Совет ҳокимияти ўзбек хотин-қизларини озод қилди, уларни ижтимоий ҳаётга, давлат қурилишига жалб этди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги саноат корхоналарида ишловчиларнинг 40 процентдан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади. 3 мингдан ортиқ хотин-қиз фабрика ва заводларда раҳбарлик лавозимларида ишламоқда; 800 га яқин хотин-қиз колхозларнинг раислари ва бригада бошлиқлари бўлиб, 40 мингдан ортиқ хотин-қиз звено бошлиқлари бўлиб ишламоқда. Биз, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг раислари ва а'золари ҳамда уларнинг ижроия органларининг ходимлари, ўқитучилар, врачлар, судьялар ва шу сингарилар орасида ўзбек хотин-қизларини кўп учратамиз. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қаҳрамон она унвонини, халқ артистлари унвонини олган, илмий даража ва унвонга эга бўлган ўзбек хотин-қизлари оз эмас.

Сталин замонасида ўзбек хотин-қизлари ҳақиқатан ҳам Совет Ўзбекистонининг буюк кучи, большевиклар партияси ва Совет ҳокимиятининг ишончли таянчи, коммунистик жамиятнинг актив қуручилари, Совет Юртининг оташин ватанпарварларидир. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Сталин бундай деган эди: «Партия мамлакатимиздаги миллатларнинг уйғонишига ёрдам бериш—уларнинг қоматларини ростлаб олишларига, ўз миллий маданиятларини кучайтириш ва ривожлантириш, она тилида иш кўручи мактаблар, театрлар ва бошқа маданий муассасаларни кўпайтириш, партия, касаба союз, кооператив, давлат, хўжалик аппаратларини миллийлаштириш, я'ни уларнинг составини миллийлаштириш, ўзининг миллий партия ва совет кадрларини етиштиришларига ёрдам бериш ҳамда партиянинг бундай сиёсатига халқит беришга урунучи оз сондаги уснурларнинг ҳаммасини тийиб қўйишни зарур деб топди». Совет ҳокимияти йилларида ва хусусан Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллиги мобайнида таркиб топган ўзбек социалистик миллати, совет, социалистик демократиянинг тараққиёти Ўртоқ Сталиннинг шу сўзлари ғоят тўғри эканлигини яққол тасдиқлайди.

Бошқа миллий республикалардаги каби Ўзбекистон миллий маданиятининг ҳам ўсишидаги энг муҳим нарса шуки, бу маданиятнинг мазмуни социалистик мазмундир, бу маданият одамларни болалик чоқлариданоқ халққа, совет Ватанига, большевиклар партиясига, Ленин—Сталиннинг улуғ ишига фидокорона муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялайди. **(Қарсаклар).**

Улуғ Ватан уруши йилларида, Совет Иттифоқи, социалистик революциянинг ғалабалари, барча халқларнинг маданияти, шу жумладан ўзбек халқининг маданияти қаттиқ хавф остида қолган бир пайтда, совет ватанпарварлиги руҳи блан суғорилган Ўзбекистон меҳнаткашларининг Улуғ Сталин чақириғига биноан Совет Иттифоқидаги барча халқлар блан биргаликда Ватан ҳимоячиларининг биринчи сафларига ўтганлигига ҳам сабаб шу. Улар фронтда мардона жанг қилдилар ва мамлакат ичкарисида фидокорона меҳнат қилиб, душманни тезроқ тор-мор келтиришга ёрдам бердилар.

Биз, Ўзбекистон ССРнинг йигирмабеш йиллик тараққиёт якунларини тўплаб, илгариги мазлум миллатларнинг нажоткорлари ва устозлари Ленин блан Сталиннинг буюк хизматлари бекорга кетмаганлигини яна бир марта кўриб ишонамиз. Ўзбек халқи ва коммунистлар уларга буюк миннатдорчилик блан ва ўзларининг коммунистик ишлари блан жавоб қайтардилар ва жавоб қайтармоқдалар. **(Қарсаклар).**

Бу вазифаларнинг ҳаммасини ҳал этишда улуғ Ленин—Сталин партиясининг шонли отряди — Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партиясининг ҳизмати каттадир. Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси ўз Марказий Комитетининг раҳбарлиги остида Ўзбекистон ССРнинг йигирмабеш йиллик юбилейига ғоявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан монолит бўлиб, ВКП(б) Марказий Комитети тезарагига ва большевиклар партиясининг Улуғ йўлбошчиси ўртоқ Сталин тезарагига маҳкам жиплашган ҳолда келди. Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси ўзининг шу уюшқоқлигини, ўртоқ Сталинга самимий муҳаббатини, бундан кейин ҳам унинг доҳиёна кўрсатмаларини фидокорона бажаришга тайёр турганлигини, ўзбек халқини унинг раҳбарлиги остида коммунизмнинг тўла ғалабаси сари олға бошлаб бораётганлигини ўртоқ Сталин туғилган кунинг 70 йиллиги кунларида барча большевиклар блан биргаликда, бутун халқ блан биргаликда яққол намойиш қилиб кўрсатди. **(Гулдурос қарсак ва олқишлар. Ҳамма ўрнидан туради. Яшасин ўртоқ Сталин! деган хитоблар).**

★

Ўртоқлар! Ўртоқ Сталин бундан 25 йил муқаддам, Совет Шарқидаги коммунистлар олдига Шарқнинг империалистлар зулмидан озод қилинган совет республикаларининг қолоқлигини тугатиш ва уларда социалистик қурилишни ривожлантириш юзасидан ғоят муҳим вазифалар қўйиб, бу вазифаларнинг ҳалол ва виждонан бажарилиши қўшни мустамлака ва қарам мамлакатлардаги ишчи ҳамда деҳқонларни озодлик ҳаракатига жалб этади, деб та'кидлаган эди.

Ҳозирги вақтда биз шуни айтаоламизки, Ўзбекистон коммунистларининг ўртоқ Сталин томонидан қўйилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришлари Ўзбекистон ССРни тарихий қисқа вақт ичида рус империализмининг мустамлакасидан яшнаб турган, доим олға бораётган социалистик республикага айлантиришни та'минлади.

Йигирмабеш йилнинг якунлари Ўзбекистоннинг буюк тарихий муваффақиятларини ғоят тез сур'атлар блан қўлга киритганлигини ва бундай сур'атлар Европадаги буржуа мамлакатларида бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатади.

Шарқ халқларини гўё ўз давлати ва ўз маданиятини мустақил суратда қуришга қодир бўлмаган паст ирқ деб қаровчи империалист мустамлакачиларнинг ҳаммаси тобора мағлубиятга учрамоқда. Ўзбекистон мисоли шуни кўрсатадики, коммунистлар Ленин ва Сталин та'лимоти асосида миллатлар ўртасидаги ҳуқуқий тенгсизликни декларациядагина тугатиб қолмай, амалда ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тўла тенгликни юзага чиқардилар ва Совет Иттифоқида паст ва юқори ирқлар йўқлигини, балки озод тенг ҳуқуқли халқлар борлигини, озод социалистик инсон — меҳнаткаш ва граждан борлигини ва бу инсон барча мазлумларни империализмга қарши курашга чақираётганлигини кўрсатдилар. Империализмнинг табиати шундайки, у озод кишилар бўлишини истамайди ва бунга йўл қўймайди. Империализм учун қуллар керак. Бу қуллар оч, ялангоч, зулм ва асоратда яшасалар ҳам капиталистларга фойда келтиришлари керак, холос. СССР да бундай аҳволга абадий хотима берилди ва Совет Иттифоқи мисоли, шунингдек Ўзбекистон каби республикаларнинг мисоли дун'ёдаги мазлум халқларга ва хусусан Шарқдаги мазлум халқларга озодлик йўлини яққол кўрсатиб турипти. **(Қарсаклар).**

Турли ниқобдаги империалистлар, уруш оловини ёқучилар ўзларининг чириган империалист ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун халқларни коммунизм блан чўчитиб ва коммунистларни маданият, хўжалик ҳамда аҳлоқни бузучилар деб тасвирлаб уларга қарши қутқу солмоқдалар. Аммо халқларни худди ёш болани алдагандек алдаш мумкин бўлган даврлар ўтиб кетган. Халқлар фактларни ўрганмоқдалар, фактлар эса Совет Иттифоқи ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон (илгариги чор мустамлакаси) озод ҳаётининг 32 йили ичида, миллий совет давлати сифатида яшаб келаётган 25 йил ичида катта муваффақиятларга эришганлигини кўрсатади. Ҳозирги вақтда Туркия, Эрондагина эмас, балки Европадаги буржуа «маданияти» мамлакатлари ва «маршаллаштирилган» мамлакатлардаги меҳнаткаш киши ҳам бундай муваффақиятларни хаёлига келтираолмайди.

Ўзбеклар СССРдаги барча халқлар блан биргаликда ўз ижодий кучлари блан коммунизм қурмоқдалар. Социалистик тузумнинг асосий вазифаси кишиларнинг турмушини яхшилашдир. Совет Иттифоқининг барча халқлари каби ўзбеклар ҳам тинчликни истайдилар, халқлар блан тотув бўлиб яшашни хоҳлайдилар.

Ленинча-сталинча миллий сиёсат эришган тарихий ғалабаларнинг халқаро аҳамияти, илгари қолоқ бўлган мустамлака мамлакатларда (Ўзбекистон ҳам шундай қолоқ мустамлака мамлакатлардан бири эди) ғолибона социализм қурилиши тажрибасининг аҳамияти инглиз-америка империалистлари ва бошқа тескаричи империалистларнинг «коммунизм» сўзини эсга олиш блаток жон талвасасига тушиб қолишларининг сабабларидан биридир. Долларга сотиб олинаётган арбоблар—буржуазия малайлари коммунистларга бор кучлари блан туҳмат қилмоқдалар коммунизм ижодий куч бўлмай, балки вайрон қилувчи куч, у ишлабчиқариш кучларини ривожлантириш, халқнинг моддий аҳволини яхшилаш, ижодий кучларини юксалтиришга қодир эмас, деб «исбот қилиш»га урунадилар. Ана шу жанобларга биз шундай жавоб берамиз: Совет Иттифоқига бир назар солингиз, илгари сиз каби империалистларнинг мустамлакалари бўлган Ўзбекистонга ва бошқа совет социалистик республикаларига назар солингиз. Мана, амалдаги коммунизм шудир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Империализм тарғиботчилари бу жонли мисолни асло йўқотаолмайдилар. Бу мисол мазлум халқларга бевосита та'сир кўрсатиб уларнинг кўзини очмоқда. Улуғ Хитой халқ республикасининг тузилганлиги яққол мисолдир. Улуғ Хитой халқ республикаси қаҳрамон коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида ғалаба қилди. **(Давомли гулдурос қарсаклар).**

Ўзбекистон ССРнинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, раҳбар ходимлари, ўртоқлар! Бугун сизнинг шодиёна кунингиздир. Сизлар ўз курашингизнинг шонли якунларини ва бутун Совет Иттифоқининг республикангизни яшнатиш йўлида олиб борган курашининг шонли якунларини тўпламоқдасиз.

Ҳозирги кунда Совет Иттифоқининг халқлари сизларни табрикламоқдалар ва империалистик зулмдан ҳозирча озод бўлмаган мамлакатлар ва миллатларнинг меҳнаткашлар оммаси ҳам бугун сизларни табриклайдилар. Бунга шубҳа қилмаймиз. Бу ишларнинг ҳаммаси сизларни янги, янада юксак босқичга кўтаради ва сизнинг олдингизга янгидан-янги катта талаблар қўяди.

Большевиклар партияси, унинг Марказий Комитети, ўзбек халқининг улуғ дўсти Сталин, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг отаси ва ташкилотчиси Сталин бугун, республиканинг йигирмабеш йиллиги кунида сизларни табриклайдилар. **(Гулдурос қарсаклар).** Ўртоқ Сталин ишонадики, сизлар кибрланиб кетмассиз, муваффақиятлардан эсанкираб қолишга йўл қўймассиз, эришилган муваффақиятлар блан қаноатланиб қолмассиз, большевизмнинг асосий қоидаси—танқид ва ўз-ўзини танқид қонунига риоя қилиб, халқнинг маданиятини янада юксалтириш, моддий турмуш шароитини тобора яхшилаш, социалистик хўжаликнинг қудратини янада ошириш, хусусан пахтачиликни ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришаолурсиз.

Олға борингиз, Юрт олдидаги, Улуғ Сталин олдидаги ватанпарварлик бурчингизни садоқат ва фидокорлик блан бажарингиз, амалдаги коммунизм нимадан иборат эканлигини бутун дун'ёга кўрсатингиз, озод бўлган ва Бутун Иттифоқ Коммунистлар партияси раҳбарлиги остида ва улуғ йўлбошчимиз, устозимиз ўртоқ Сталиннинг раҳбарлиги остида ўзининг бахтли ҳаётини қураётган киши нималарга қодир эканлигини кўрсатингиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, унинг барча ишчилари, колхозчилари, зиёлилари! **(Қарсаклар).**

Яшасин қудратли Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи! **(Қарсаклар).**

Яшасин Бутун Иттифоқ улуғ Ленин—Сталин партияси ва унинг жанговар отряди Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси! **(Қарсаклар).**

Яшасин СССР ва бутун дун'ё халқларининг улуғ йўлбошчиси, жонажон севикли отамиз ва дўстимиз ўртоқ Сталин! **(Гулдурос қарсак ва олқишлар. Ҳамма ўрнидан туради. Рус ва ўзбек тилларида: Яшасин севикли Сталин! Улуғ Сталинга ура! деган хитоблар янграйди).**

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети секретари ўртоқ У. Юсуповнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети юбилей сессиясида сўзлаган нутқи

Депутат ўртоқлар! Қадрдон меҳмонларимиз!

Ўзбек халқи Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг йигирмабеш йиллигини ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг тантанаси, улуғ Совет Иттифоқимизнинг барча қардош халқлари блан мустаҳкамланаётган бузилмас дўстлигининг намойиши сифатида нишонламоқда.

Ўзбекистонни социалистик асосда қайта қуришда катта муваффақиятларга эришдик, бунга сабаб шуки ўзбек халқи СССР халқларининг ягона қардошлик оиласида тенг ҳуқуқли бўлиш шарафига эришди, уни қудратли совет давлатимиз ҳимоя қилмоқда ва қўллаб-қувватламоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз Совет Ўзбекистонининг юбилейи кунларида СССРнинг барча халқларига чуқур миннатдорлик изҳор қиламиз. **(Қарсаклар).** Халқимиз улуғ рус халқига — улуғ оғамизга барча ватанпарварлик ишларида бизга қаҳрамонлик, сабот-матонат, она-Ватанга чексиз муҳаббат намуналарини кўрсатганлиги учун, СССРнинг бошқа қардош халқларидек, ўзбек халқига ҳам социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида холис катта ёрдам кўрсатганлиги ва кўрсатаётганлиги учун айниқса миннатдорлик билдиради. **(Гулдурос қарсаклар).**

Қимматли ўртоқлар!

Лазарь Моисеевич Кагановичнинг Иттифоқ ҳукумати ва ВКП(б) Марказий Комитети вакили сифатида бизга келганлиги муносабати блан ўзбек халқининг юбилей байрами айниқса қувончли катта байрамга айланди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз буни севикли йўлбошчимиз, отамиз ва устозимиз Ўртоқ Сталининг ўзбек халқига тинмай қилаётган ғамхўрлиги ва э'тибининг янги намунаси деб биламиз. **(Узоқ давом этган гулдурос қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ўртоқ Кагановичнинг келиши муносабати блан шунинг учун айниқса қувонадиларки, у пролетар революциясининг улуғ йўлбошчилари Ленин ва Сталиннинг вакили сифатида Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кўпгина самарали ишлар қилди. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар!

Биз ўзимизнинг ҳамма катта ва кичик муваффақиятларимиз учун, озод ва бахтиёр ҳаётимиз учун Ленин ишининг улуғ давомчиси, барча меҳнаткашларнинг гениал йўлбошчиси жонажонимиз Ўртоқ Сталиндан бениҳоя миннатдормиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Лазарь Моисеевич, ўзбек халқининг бахт-саодати тўғрисида, Совет Ўзбекистонининг социалистик тараққиёти тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилаётганлиги учун Ўртоқ Сталинга Ўзбекистон республикасининг барча меҳнаткашлари номидан Сиз орқали чин қалбдан чуқур ташаккур изҳор қилишга рухсат этгайсиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ҳамма кишиларимизда фақат битта орзу бор, Лазарь Моисеевич, биз Сиздан бу орзумизни Ўртоқ Сталинга билдиришингизни сўраймиз: жонажон отамиз ва устозимиз, СССРдаги барча халқларнинг ва бутун дун'ё меҳнаткашларининг бахт-саодати учун узоқ-узоқ йиллар умр кўрсин. **(Гулдурос қарсаклар, ҳамма ўрнидан туради).**

Қадрдон ўртоқлар!

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилгандан буён ўтган 25 йил ичида ўзбек халқи катта тарихий йўл босиб ўтди. Халқимизнинг экономикасида, маданиятида ва турмушида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси халқимизни асоратдан батамом қутқазди, уни иккиёқлама эксплоатация қилишидан озод этди. Большевиклар партияси ўзбекларни янги социалистик миллат қилиб бирлаштирди, халқимизнинг қудратли моддий кучларини уйғотди, Ленин — Сталин иши учун курашда актив қатнашишга жалб қилди.

Большевиклар партияси жуда кўп партияли ва партиясиз большевик кадрларни — давлат аппарати ходимлари кадрларини, совет интеллигенцияси кадрларини, саноат ишчилари кадрларини, колхоз кадрларини тарбиялаб етиштирди. Бу кадрлар Ленин — Сталин ишига чексиз содиқ бўлиб, коммунизм учун курашга бутун куч-қувватларини сарфламоқдалар.

Большевиклар партияси бирдан-бир адолатли миллий сиёсатни қаттиқ туриб ва изчиллик блан амалга ошириб, ўзбек халқининг ҳаётида тубдан ўзгариш ясади. Биз Ўзбекистонда биринчи даражали саноат вужудга келтирилганлиги, илғор социалистик қишлоқ хўжалиги барпо қилинганлиги, янги, социалистик асосда халқимизнинг миллий маданияти яшнаганлиги блан фахрланамиз.

Шарқдаги Совет республикаларини намунали Совет Социалистик Республикаларига айлантириш тўғрисидаги сталинча программа амалга оширилди. **(Қарсаклар).**

Совет Шарқида социализм маш'али порлоқ нур сочиб турипти! Бу маш'ал хорижий Шарқдаги ҳамма мазлум халқларнинг озодлик йўлини ёритмоқда, уларнинг сиёсий онгини оширмоқда ва уларни миллий-озодлик курашига чақирмоқда.

Ўртоқлар!

Ўртоқ Кагановичнинг бу минбардан туриб сўзлаган самимий табригига жавобан, Иттифоқ ҳукумати ва ВКП(б) Марказий Комитети номидан Ўзбекистон большевикларига ва барча ўзбек халқига билдирган истакларига жавобан, Сизнинг топшириғингизга биноан республикамиздаги барча меҳнаткашлар номидан ВКП(б) Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, улуғ йўлбошчимиз ва устозимиз Ўртоқ Сталинга, Ўзбекистон большевиклари ва барча меҳнаткашлари умумдавлат манфаатлари учун курашда, коммунизмнинг тўла тантанаси учун курашда янада зўр ғайрат блан ишлайдилар, деб ва'да беришга рухсат этгайсиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўзбек халқи ўз кучларига ҳарқачонгидан ҳам тўла ишонгандир, халқимизнинг ижодий ғайрати тўлиб-тошгандир.

Ўзбекистон халқлари орасида коммунизмнинг онгли ва актив қуручилари қатори кундан-кун ўсмоқда. Халқимиз мамлакат олдидаги ватанпарварлик бурчини борган сари кўпроқ тушунмоқда. Кенг халқ оммаси партиямизни беҳад севади, унга ишонади, Ленин — Сталин партияси бизни коммунизмнинг тўла ғалабаси томон олиб боражагини билади.

Биз буни бундан кейинги ҳамма ғалабаларимизнинг гарови деб биламиз.

Ўзбек халқининг СССРдаги барча қардош халқлар блан биродарона мустаҳкам дўстлиги, Совет Ўзбекистони қудратли Совет давлатининг таркибий қисми бўлганлиги, уни Совет Иттифоқи ҳимоя қилганлиги туфайли кучларимиз ва ишончимиз ўсмоқда, мустаҳкамламоқда. СССР халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни ҳартарафлама мустаҳкамлаш ва кучайтириш зарурлиги ҳақидаги сталинча ғоянинг кенг халқ оммаси борган сари чуқур тушуниб олмоқда.

Биз буни ҳам бундан кейинги барча ғалабаларимизнинг мустаҳкам гарови деб биламиз.

Бизнинг кучимиз ва ишончимизнинг манбаи шундаки, большевиклар партиямизга унинг синалган жанговар штаби—ленинча-сталинча Марказий Комитет бошчилик қилмоқда, бутун курашимизга Ленин ишининг гениал давомчиси, севикли йўлбошчимиз, отамиз ва устозимиз Ўртоқ Сталин раҳбарлик қилмоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

(ОХИРИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети секретари ўртоқ У. Юсуповнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети юбилей сессиясида сўзлаган нутқи

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўзбекистон большевиклари ва бутун Ўзбек халқи Ўзбекистон ССР нинг шонли юбилейини нишонлар экан, юртимиз олдидаги ватанпарварлик бурчимизни шараф блан бажарамиз, Совет давлатимизнинг қудратини бутун куч-қувватимиз блан мустаҳкамлаймиз ва шу мақсадда Совет Ўзбекистонидаги ҳамма ишлабчиқариш кучларини ривожлантирамиз деб тантана блан қасам'ёд қилади. (Қарсаклар).

Ўзбекистон большевиклари ва унинг барча меҳнаткашлари ўртоқ Сталиннинг мамлакатимизга металл, ёқилғи ва ғалла нақадар керак бўлса, пахта ҳам шу қадар керак, деб берган кўрсатмаларини эсда тутиб, пахта етиштиришни ҳартарафлама кўпайтиришни ўзларининг энг муҳим ватанпарварлик бурчи деб биладилар.

Пахтачилик соҳасидаги ишларимизда мўлгина жиддий камчиликлар бор. Ўзбекистон пахтакорлари давлатдан жуда катта қарздор бўлиб қолмоқдалар.

Аммо, Ўзбекистонда пахтачилик тобора ривожланмоқда. Совет ҳукумати бизга пахтачиликни ривожлантиришда ғоят катта ёрдам бермоқда. Пахтачилик барча қишлоқ хўжалик ишларини комплекс асосда машиналаштиришни жорий қилиш, илғор совет Мичурин фани ютуқларидан, илғорларнинг энг яхши тажрибасидан кенг фойдаланиш асосида ривожланмоқда.

Бизнинг ихтиёримизда пахтадан чиқаҳам юқори ҳосил олиш учун бутун восита ва имкониятлар бор. Мамлакатни пахта блан та'минлаш учун курашиш ўзбек халқининг шон-шараф ва шавкат ишидир. Эндиликда ҳарбир колхозчи яхши биладики, пахтачиликни ривожлантиришга совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Сталин ғоят катта ёрдам бераётган бир пайтда, об-ҳаво шароитини баҳона қилиш учун ҳечқандай асос йўқ, биз ҳалол, фидокорона меҳнат қилиб бу ишда катта муваффақиятга эришаоламиз ва эришмоғимиз керак.

Мана буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон пахтакорлари 1950 йилда пахта тайёрлаш давлат планини бажарибгина қолмай, балки ошириб бажарадилар ва республикада пахтачиликни яқин 5—6 йил ичида янада зўр бериб ривожлантириш тўғрисидаги сталинча янги программани муваффақиятли бажаришни та'минлайдилар, деб қаттиқ ишониш учун имконият беради.

Пахтачилик илғорларининг яқинда бўлиб ўтган республика қурултойи барча колхозчилар ва қишлоқ хўжалик ходимлари номидан, бу йил мамлакатга 1949 йилга қараганда 500 минг тонна кўп пахта бераш мажбуриятини олди. (Қарсаклар).

Биз бу фахрли мажбурият ҳарқандай шароитда ҳам шараф блан бажарилади деб қаттиқ ва'да берамиз. (Қарсаклар).

Бизнинг олдимизда саноатни, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш, маданиятни юксалтириш, халқ оммасининг моддий аҳволини яхшилаш соҳасида ҳам кўпгина янги, катта вазифалар турипти.

Биз ўзбек халқининг маданиятини янада юксалтириш вазифасини ғоят кенг ма'нода тушунамиз. Ўзбекистонда ҳозир шундай моддий негиз яратилдики, шу асосда маданий қурилиш ишлари тез сур'атлар блан илгари боради, мисли кўрилмаган ҳажмда ривожланади. Социалистик индустрия, илғор техника блан та'минланган коллектив қишлоқ хўжалиги, жуда кўп илмий ва маданий-оқартув муассасалари бунинг учун асослир. Эндиликда бизда жуда кўп совет интеллигенцияси кадрлари бор. Бу кадрлар маданий қурилиш ишини, коммунизм учун курашда актив қатнашишга меҳнаткашларнинг янгидан-янги табақаларини жалб қилиш ишини кенг миқ'ёсда илгари силжитишга қодирдир. (Қарсаклар).

Биз кадрларимизни эришилган муваффақиятларга ортиқча баҳо бериб юбормаслик, магрурланмаслик ва ҳотиржамликка берилмаслик руҳида тарбиялаймиз, барча меҳнаткашларни ишдаги камчилик ва ҳатоларга муросасизлик руҳида, янада уюшқоқлик блан фидокорона меҳнат қилиш руҳида тарбиялаймиз.

Ўзбекистон партия ташкилоти ўз кадрларини ва республиканинг барча меҳнаткашларини юксак революцион ҳуш'ёрлик руҳида тарбиялайди. Совет Иттифоқининг ҳали душманлари кўп. Бу душманлар маккор ва ёвузлирлар. Биз ВКП(б) Марказий Комитетини, ССР Иттифоқи Ҳукуматини, ўртоқ Сталинни қаттиқ ишонтириб айтамизки, СССРнинг бошқа ҳамма халқларидек ўзбек халқи ҳам севикли Ватанимизнинг душманларига шафқатсиз зарба беради. (Гулдурос қарсаклар).

Яшасин Улуғ Ватанимиз — қудратли Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи! (Қарсаклар).

Яшасин ўзбек халқининг мамлакатимиздаги барча халқлар блан мустаҳкам қардошлик дўстлиги! (Қарсаклар).

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси большевиклар партияси! (Қарсаклар).

Яшасин Совет ҳукумати! (Қарсаклар).

Улуғ йўлбошчимиз, отамиз ва устозимиз ўртоқ **Сталинга** шон-шарафлар бўлсин! **(Залда гулдурос қарсаклар янграйди. Ҳамма ўрнидан туради. «Ўртоқ Сталинга ура!» деган табрик сўзлари эшитилади).**

Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллиги шарафига қабул маросими

Ўзбекистон ССР Ҳукумати Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 25 йиллиги шарафига 17 январьда қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'зоси, ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Л. М. Каганович, Ўзбекистон республикасининг юбилей байрамида қатнашиш учун келган иттифоқчи ва автоном республикалар делегацияларининг раҳбарлари: ўртоқ Г. П. Онипченко (Украина), ўртоқ В. И. Козлов (Белоруссия), ўртоқ В. Я. Эгнаташвили (Грузия), ўртоқ Н. Г. Гейдаров (Озарбайжон), ўртоқ Н. Д. Ундасинов (Қозоғистон), ўртоқ Н. М. Юнчас-Кучинскас (Литва), ўртоқ В. Д. Герасименко (Молдавия), ўртоқ А. Я. Анзберг (Эстония), ўртоқ Д. Р. Расулов (Тожикистон), ўртоқ И. Р. Раззоқов (Қирғизистон), ўртоқ С. Бобоев (Туркманистон), ўртоқ А. Ф. Деглав (Латвия), ўртоқ А. И. Ларионов (Карель-Фин ССР), ўртоқ Г. А. Агаханян (Арманистон), ўртоқ М. И. Юсупова (Татаристон АССР), ўртоқ Ф. Р. Алибоев (Бошқирдистон АССР), ўртоқ М. Н. Межидов (Доғистон АССР), республика оталигидаги ҳарбий кема делегациясининг раҳбари, иттифоқчи ва автоном республикалар делегацияларининг а'золари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, Ўзбекистон ССР ҳукуматининг а'золари, республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, саноат корхоналарининг стахановчилари, қишлоқ хўжалиги илғорлари, Ўзбекистон ССР фан, сан'ат ва адабиёт арбоблари ҳам ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'ат ходимларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида *)

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил этилганига йигирма беш йил тўлиши муносабати блан ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'атни ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар учун **мукофотлансин:**

ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН

28. **Бозоров** Шоди — Бухоро область, Кармана районидаги «Норпой» совхозининг бригадири.

29. **Бакиров** Иброҳим—Андижон районидаги Сталин номли колхозининг раиси.

30. **Баратова** Латофат — Фарғона область, Сўх районидаги Жданов номли колхозининг пиллачилик звено бошлиғи.

31. **Басканов** Михаил Иванович—Давлат хавфсизлиги министри.

32. **Бегимқулов** Чўли — Қашқадар'ё область, Қарши районидаги «Октябрь 14 йиллиги» колхозининг раиси.

33. **Бекчонов** Файзулла — Хоразм область, Урганч МТСи трактор бригадасининг бригадири.

34. **Брикин** Николай Алексеевич — Л. М. Каганович номидаги Тошкент паровоз-вагон ремонти заводи паровоз цехининг қозончиси.

35. **Бильбас** Василий Андреевич — ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги партия ходимлари курсининг ўқучиси.

36. **Ваҳобов** Мавлон Ғаффорович — Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари.

37. **Волков** Григорий Иванович—пахтачилик давлат конструкторлик бюросининг бошлиғи.

38. **Габриэльян** Гайк Аветисович — қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари.

39. **Галкин** Василий Кононович—Тошкент темир йўлига қарашли Қўқон вагон депосининг электрсваршиги.

40. **Ғаниев** Ҳафиз — Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат қуючиси.

(ДАВОМИ БОР)

*) Боши «Қизил Ўзбекистон»нинг 17 январь сонида босилган.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ САЙЛОВЛАРИГА ТАЙЁРЛИК

СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатиш

ВЦСПС — Марказий сайлов комиссияси составига ўртоқ А. П. ОСИПОВНИ тавсия қилди

16 январьда ВЦСПС Президиуми Касаба союзлари раҳбар ходимларининг иштироки блан ССР Иттифоқи Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига ВЦСПСдан номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

ВЦСПС раиси ўртоқ В. В. Кузнецов мажлисни очиб, СССР Олий Совети сайловига тайёрланишда ва уни ўтказишда касаба союзларининг ҳамма комитетлари ва советлари актив қатнашмоқлари ва улар партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида урушдан кейинги сталинча бешйиллиқни муддатидан илгари бажариш учун сайлов шарафига социалистик мусобақани янада кучайтириб юборишга бошчилик қилишлари керак, деб уқдириб ўтди.

ВЦСПС секретари ўртоқ Н. В. Попова СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига ВЦСПСдан ВЦСПС секретари ўртоқ А. П. Осипов номзод қилиб кўрсатилсин деб таклиф этди.

Ўртоқ Поповани таклифи якдиллик блан қувватланди.

«СССР Олий Совети сайловлари тўғрисидаги Низом»нинг 36-нчи моддасига мувофиқ ВЦСПС Президиуми СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига ВЦСПС секретари ўртоқ Осиповни номзод қилиб кўрсатишга ва СССР Олий Совети Президиумидан уни Марказий сайлов комиссиясининг а'зоси қилиб тасдиқлашни сўрашга қарор қилди. (ТАСС).

Москва коммунистлар ташкилотидан ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВ номзоди кўрсатилди

ВКП(б) Москва комитети СССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг составига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, СССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссияси составига Москва коммунистлар ташкилотидан ВКП(б) Москва область комитетининг секретари ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчёвни номзод қилиб кўрсатди. (ТАСС).

Ўзбекистон коммунистлар партияси ўртоқ Усмон ЮСУПОВНИ номзод қилиб кўрсатди

ТОШКЕНТ, 16 январь. (ТАСС). Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партиясининг Марказий Комитети ССР Иттифоқи Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Бир оғиздан қабул қилинган қарорга мувофиқ, СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига Ўзбекистон Коммунист большевиклар партиясидан Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Усмон Юсупов кўрсатилди.

Қозоғистон коммунистлар партияси ўртоқ Ж. ШАЯХМЕТОВНИ номзод қилиб кўрсатди

ОЛМАОТА, 16 январь. (ТАСС). Қозоғистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига Қозоғистон коммунистлар партияси ташкилотидан номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Бюро СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига Қозоғистон коммунистлар партияси ташкилотидан Қозоғистон К(б)П Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ж. Шаяхметовни якдиллик блан кўрсатди.

Сиёсий-оқартув муассасалари ходимларининг касаба союзидан ўртоқ М. Ф. ШКИРЯТОВ номзоди кўрсатилди

16 январьда СССР Сиёсий-оқартув муассасалари ходимлари касаба союзи Марказий Комитети Президиуми мажлисида СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди.

Союз Марказий комитетининг раиси ўртоқ Трофименко мажлисни очиб, СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик бутун совет халқининг сиёсий - активлиги ва меҳнат ғайрати ниҳоятда ошган шароитда ўтаётганини уқдириб ўтди. Ўртоқ Трофименко СССР Сиёсий-оқартув муассасалари ходимлари касаба союзининг барча а'золари бу муҳим сиёсий кампанияда энг актив қатнашадилар, деб ишонч билдирди.

Маданий ишлар бўлимининг мудири А. Е. Бобилов СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига СССР Сиёсий-оқартув муассасалари ходимларининг касаба союзидан большевиклар партиясининг ва совет давлатининг кўзга кўринган арбоби Матвей Федорович Шкирятовни номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

Сўзга чиққан ҳамма ўртоқлар улуғ Сталиннинг содиқ сафдоши М. Ф. Шкирятов номзодини якдиллик блан қувватладилар.

Якдиллик блан қарор қабул қилинди. Қарорда бундай дейилади: «СССР Олий Советига сайловлар тўғрисидаги Низом»нинг 36-нчи моддасига мувофиқ, СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига СССР Сиёсий-оқартув муассасалари ходимларининг касаба союзидан ўртоқ Матвей Федорович Шкирятов номзод қилиб кўрсатилсин. СССР Олий Совети Президиумидан ўртоқ М. Ф. Шкирятовни СССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг а'зоси қилиб тасдиқлаш сўралсин». (ТАСС).

Ленинград коммунистлар ташкилотидан В. М. АНДРИАНОВ номзод қилиб кўрсатилди

ЛЕНИНГРАД, 16 январь. (ТАСС). ВКП(б) Ленинград комитети СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, Марказий сайлов комиссияси составига Ленинград коммунистлар ташкилотидан номзод қилиб ВКП(б) Ленинград область ва шаҳар комитетларининг секретари ўртоқ Василий Михайлович Андриановни номзод қилиб кўрсатди. (ТАСС).

СССР Фанлар Академиясининг Президенти С. И. ВАВИЛОВ олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзидан номзод қилиб кўрсатилди

16 январьда олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи Марказий Комитети Президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Мажлис кун тартибида бир масала: СССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссияси составига номзод кўрсатиш масаласи турипти.

Мажлисни касаба союзи Марказий Комитетининг раиси ўртоқ П. Т. Пименов очди.

— Ватанимиз СССР Олий Совети сайловларига тайёрланмоқда,—деди у.—Сайлов тўғрисидаги Низомга мувофиқ бизга Марказий сайлов комиссияси составига номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилади. Мен отоқли совет олими, СССР Фанлар Академиясининг Президенти академик Сергей Иванович Вавиловни номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман.

СССР Фанлар Академияси олимларининг коллективи номидан академик А. И. Опарин С. И. Вавилов номзодини қизғин қувватлади.

— Бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси С. И. Вавиловни отоқли совет олими, давлат ва жамоат арбоби деб биладилар,—деди ўртоқ Опарин. — СССР Фанлар Академиясининг Президенти Сергей Иванович Вавилов айни бир вақтда бошқа бирқанча муҳим давлат ва жамоат топшириқларини ҳам бажариб келади. У—сиёсий ва илмий билимлар тарқатучи Бутуниттифоқ жамиятининг раиси, «Большая советская энциклопедия»нинг редакторидир.

Москва илмий жамоатчилиги номидан академик Б. А. Введинский, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи Марказий Комитети президиумининг а'зоси ўртоқ Д. А. Кузнецов ва бошқалар ўртоқ Вавиловнинг номзодини қувватладилар.

Якдиллик блан қуйидаги қарор қабул қилинди:

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисидаги Низом»нинг 36-нчи моддасига мувофиқ СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига олий мактаб ва илмий муассасалар ходимларининг касаба союзидан СССР Фанлар Академиясининг Президенти академик Сергей Иванович Вавилов кўрсатилсин.

СССР Олий Совети Президиумидан ўртоқ С. И. Вавиловни Марказий сайлов комиссиясининг а'зоси қилиб тасдиқлаш сўралсин». (ТАСС).

Ўртоқ Н. А. МИХАЙЛОВ — Бутун Иттифоқ Ленинчи Коммунист Ёшлар Союзидан номзод қилиб кўрсатилди

ЛКСМ Марказий Комитети СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига комсомол ташкилотидан номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, Марказий сайлов комиссиясига Бутун Иттифоқ Ленинчи Коммунист Ёшлар Союзидан ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Николай Александрович Михайлов номзодини тавсия қилишга қарор берди.

ВЛКСМ Марказий Комитети СССР Олий Совети Президиумига мурожаат қилиб, ўртоқ Н. А. Михайловни Марказий сайлов комиссиясининг а'зоси қилиб тасдиқлашни сўради. (ТАСС).

Белоруссия давлат муассасалари ходимларининг Касаба союзи ўртоқ В. И. КОЗЛОВНИ номзод қилиб кўрсатди

МИНСК, 16 январь. (ТАСС). Бугун Белоруссия давлат муассасалари ходимлари касаба союзи республика комитети Президиумининг давлат муассасалари ходимлари касаба союз активлари блан бирга кенгайтирилган мажлиси бўлди. Кун тартибида—СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига номзод кўрсатиш масаласи турипти.

Сўз комитет президиуми а'зоси ўртоқ Т. Л. Сковородкога берилади. У, Марказий сайлов комиссияси составига Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ В. И. Козлов номзод қилиб кўрсатилсин, деб таклиф этади.

— Ватан олдидаги ғоят катта хизматлари учун, немис-фашист босқинчиларга қарши курашда қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатганлиги учун, душманнинг орқа томонида партизанлар ҳаракатига моҳирлик блан раҳбарлик қилганлиги учун,—деди ўз сўзини давом этдириб, ўртоқ Своородко,—совет ҳукумати ўртоқ Козловга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонни берди ва уни 7 марта орден ва медальлар блан мукофотлади. Ўртоқ Козлов Совет Белоруссиясининг кўзга кўринган партия ва давлат арбоби, большевиклар партиясининг содиқ фарзанди, совет халқининг содиқ хизматкоридир.

Сўзга чиққан касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари А. Ф. Атрош, Р. Л. Гольберг, Д. П. Бобаков, Е. А. Климович ва бошқалар якдиллик блан ўртоқ Козлов номзодини қувватладилар.

Мажлис қатнашчилари қуйидаги қарорни бир оғиздан қабул қилдилар:

«СССР Олий Советига сайловлар ҳақидаги Низом»нинг 36-нчи моддасига мувофиқ, Белоруссия давлат муассасалари ходимлари касаба союзи республика комитетининг Президиуми давлат муассасалари касаба союз активлари блан бирга қарор қилди:

«ССР Иттифоқи Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига Белоруссия ССР давлат муассасалари ходимларининг касаба союзидан Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ВКП(б) а'зоси, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Василий Иванович Козлов кўрсатилсин.

СССР Олий Совети Президиумидан ўртоқ В. И. Козловни Марказий сайлов комиссиясининг а'зоси қилиб тасдиқлаш сўралсин».

Киев коммунистлар ташкилотидан ўртоқ А. А. ГРИЗА номзоди кўрсатилди

КИЕВ, 16 январь. (ТАСС). Бугун Украина К(б)П Киев область комитетининг бюроси СССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси составига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Украина К(б)П Киев область комитетининг бюроси Марказий сайлов комиссияси составига Киев коммунистлар ташкилотидан Украина К(б)П Киев область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Алексей Андрианович Гризани номзод қилиб кўрсатди.

Миллатлар Советига сайлов ўтказадиган Ўзбекистон ССР сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатилмоқда

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари тўқучи ўртоқ Н. МАҚСУМОВАНИ сайлов комиссияси составига номзод қилиб кўрсатдилар

16 январьда Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг фабрикаларида кундузги сменада ишловчи ишчи ва хизматчиларнинг Миллатлар Советига сайлов ўтказадиган Ўзбекистон ССР сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.

Биринчи йигирув-тўқув фабрикаси коллективининг йиғилишида кўп киши қатнашди. Йиғилишда биринчи бўлиб сўзга чиққан тўқучи ўртоқ Шушакова Ўзбекистон ССР комиссияси составига тўқучи Нурия Мақсумовани номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

— Стахановчи Мақсумовани шаҳримизнинг меҳнаткашлари комбинатдаги энг яхши тўқучилардан бири деб биладилар, — деди ўртоқ Шушакова. — Мақсумова ўз малакасини тинмай ошириб, стахановча меҳнатнинг илғор методларини эгалламоқда. Нурия Мақсумова 1949 йил июнь ойидаёқ бешйиллик планини бажарди. ВКП(б) а'золитига кандидат бўлган Нурия Мақсумова актив жамоатчидир. У фабрика касаба союз комитети президиумининг а'зоси, участка касаба союз ташкилотчисидир. 1948 йилда ўртоқ Мақсумова Тошкент шаҳар советига депутат қилиб сайланди.

Йиғилишда сўзга чиққан техник Медведев, инженер Хазанов ва бошқалар ўртоқ Шушакованинг таклифини якдиллик блан қувватлаб, Нурия Мақсумовани Миллатлар Советига сайлов ўтказадиган Ўзбекистон ССР сайлов комиссияси составига номзод қилиб кўрсатишни тавсия этдилар.

Иккинчи йигирув-тўқув, ип, читга гул босиш фабрикалари, механика заводи ва комбинатга қарашли бошқа корхоналар коллективларининг йиғилишларида ҳам Миллатлар Советига сайлов ўтказадиган Ўзбекистон ССР сайлов комиссиясининг составига ўртоқ Мақсумова номзод қилиб кўрсатилди.

Тошкент тўқучиларининг кўп мингли коллективи якдиллик блан қарор қабул қилди:

— Миллатлар Советига сайлов ўтказадиган Ўзбекистон ССР сайлов комиссиясининг составига комбинатнинг тўқучиси Нурия Мақсумова номзод қилиб кўрсатилсин. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президенти ўртоқ Т. А. САРИМСОҚОВ — Миллатлар Советига сайлов ўтказадиган Ўзбекистон ССР сайлов комиссияси состави а'золигига номзод қилиб кўрсатилди

Ўзбекистон ССР Олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи республика комитетининг президиуми касаба союз ташкилотининг СССР Олий Совети сайловлари кампаниясида иштироки тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

«СССР Олий Совети сайловлари тўғрисидаги Низом»нинг 40-нчи моддасига мувофиқ Миллатлар Советига сайлов ўтказадиган Ўзбекистон ССР сайлов комиссияси составига Ўзбекистон ССР Олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзидан ўртоқ Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқовни номзод қилиб кўрсатишга қарор қилинди.

Ўртоқ Т. А. Саримсоқов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президенти, Ўрта Осиё Давлат университетининг профессори, Сталин мукофоти лауреатидир.

Ўзбекистон ССР Армияга ёрдам кўрсатучи кўнгилли жамият коллективи ўртоқ А. В. МУХИННИ сайлов комиссияси а'золигига номзод қилиб тавсия этди

«СССР Олий Совети сайловлари тўғрисидаги Низом»нинг 40-нчи моддаси партия, жамоат, кооператив ва бошқа шу каби ташкилотларга СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказадиган сайлов комиссиясига ўз вакилларини кўрсатиш ҳуқуқини берганлигини э'тиборга олиб, Ўзбекистон ССР Армияга ёрдам беручи кўнгилли жамиятнинг республика комитети ўртоқ Александр Васильевич Мухинни Миллатлар Советига сайлов ўтказадиган Ўзбекистон ССР сайлов комиссияси составига Ўзбекистон ССР Армияга ёрдам беручи кўнгилли жамиятдан номзод қилиб тавсия қилишга қарор берди. (ЎзТАГ).

1950 йил, 17 январьда Тошкент Қизил майдонида бўлган намойиш. И. Глауберзон фотоси.

Ўзбек халқининг тантанаси

Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллиги шарафига қўшинларнинг паради ва Тошкент меҳнаткашларининг намойиши

17 январь куни Тошкентда умумхалқ тантанаси ва шодиёнаси куни бўлди. Тошкент меҳнаткашлари, бутун ўзбек халқи блан биргаликда, Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллигини қувонч блан байрам қилдилар.

...Пойтахт байрам либосини кийди. Шаҳарнинг катта кўчалари қипқизил алвонлар блан қопланди. Бу алвонларга: «Совет республикалари оиласида тенг ҳуқуқли Ўзбекистон ССР яшасин ва мустаҳкамлансин!» деган сўзлар ёзилган. Шаҳарда турли-туман чироқлар порлади. Катта биноларнинг кўча томонларига ўзбек давлатини тузган улуғ Ленин ва Сталининг, партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретлари, давлат байроқлари, шиорлар осиб қўйилган.

Шаҳар жуда эрта уйғонди. Тонг чоғида пойтахтнинг кўча ва майдонларида миллий чолғу асбоблари — карнайлар, сурнайлар, ноғораларнинг садолари янгради. Кечаси жуда кўп қор ёғди. Совуқ, қировли, нурли тонг отди. Ўзбекистонда кўп байрамларда бундай ҳаво бўлмас эди. Пойтахтнинг минглаб аҳолиси кўча ва майдонларга чиқиб, байрам намойиши колонналарининг сафларига тизила бошлади.

Қизил майдон тантанали тус олган. Ҳукумат Уйининг биносига Ленин ва Сталининг катта портретлари осиб қўйилипти. 16 республиканинг байроқлари тагида Ўзбекистон ССРнинг герби ярқираб турали. Майдонда ва майдон атрофидаги кўчаларда Тошкент гарнизонининг парадга тайёрланган қўшинлари саф тортган. Минбарларда — фабрика, завод, колхозларнинг, илмий-текшириш муассасаларининг энг яхши кишилари, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, министрлар, генераллар, юбилей тантанасига келган қардош республикаларнинг делегациялари...

Соат мили 10 га яқинлашади. Марказий минбарга ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'зоси, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Лазарь Моисеевич Каганович чиқади. Қизил майдонга йиғилганлар улуғ Сталининг сафдоши, партия ва давлатимиз машҳур арбобларидан бирини, Совет Ўзбекистонининг тузилиши ва ривожланиши учун кўп хизмат кўрсатган Лазарь Моисеевич Кагановични чин юракдан қизғин табриклайдилар.

Минбарга У. Юсупов, С. Д. Игнатьев, А. Абдурахмонов, А. Э. Пиёзов, Р. Е. Мельников, А. Мавлонов, П. А. Кабанов, М. Ғ. Ваҳобов, С. Нуриддинов, З. Раҳимбобоева, М. И. Баскаков, М. Г. Чиковани, А. Тўхтабоев, С. Ҳусанов, Ж. Хўжаев, делегацияларнинг бошлиқлари: Украина ССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Г. П. Онипченко, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. П. Козлов, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. Н. Гейдаров, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Д. Ундасинов, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси И. Р. Раззоқов, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Д. Р. Расулов, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ С. Бобоев, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ўртоқ В. Я. Эгнаташвили ва бошқа Ўртоқлар ҳам чиқадилар.

Қизил майдонга йиғилганлар парадничг бошланишини интизорлик блан кутиб турадилар. Округ қўшинларининг қўмондони парад қўмондонининг рапортини қабул қилганидан кейин, қўшинларни айланиб чиқали ҳамда Туркистон округининг жангчиларини Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллик байрами блан табриклайди. Жангчиларнинг кучли «ура» садолари майдонни ларзага келтиради.

Округ қўмондони қўшинларни айланиб ўтганидан кейин, Ленин ҳайкали ёнидаги минбарга чиқали ва қўшинларга ҳамда Ўзбекистонининг барча меҳнаткашларига қарата нутқ сўзлайди. У, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети номидан меҳнаткашларни Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллик байрами блан табриклайди.

Қўмондон, улуғ Сталин шарафига табрик сўзларини айтали. Ўзбек халқи Ўртоқ Сталининг гениал раҳбарлиги соясида мамлакатимиз халқларининг қардошлик оиласида коммунизм қурилишининг барча соҳаларида жуда катта муваффақиятларга эришди. Яна кучли «ура» садолари янграйди. Совет Иттифоқининг ва Ўзбекистон ССРнинг Давлат Гимнлари янграйди. Байрам шарафига берилган артиллерия салюти ҳаммаёқни ларзага келтиради.

Майдонда ҳаракат бошланали. Команда садоси янграйди:

— Тантанали маршга тайёрланингиз!

Қўшинлар тантанали музика оҳанглари остида минбар ёнидан ўтабошлайдилар, ҳарбий шон-шавкатимиз бугун яна бир марта намойиш қилинади!

Паралин, одат бўйича, округ бошқармалари штабининг офицерлари бошлаб берди.

Мамлакатдаги энг кекса ҳарбий билим юртларидан бири Владимир Ильич Ленин номли Тошкент пиёда аскарлар мактабининг курсантлари тантанали марш блан ўтадилар. Бу ҳарбий мактабнинг тарихи шон-шарафларга тўла.

Дул'ёдаги энг яхши ва энг мард пиёда аскарлар—совет пиёда аскарлари текис сафларда, шаҳдам қадам ташлаб ўтадилар.

Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги шарафига ўтказилган ҳарбий парад тамом бўлади. Меҳмонлар ва пойтахт меҳнаткашлари Совет Армиясининг қўшинларини ифтихор ва ташаккур туйғулари блан тўлиб-тошган ҳолда майдондан кузатиб қоладилар. Ўртоқ Сталининг та'бири блан айтганда, бу армиянинг асосий хусуситларидан бири шудирки, Совет Армияси мамлакатимиз халқлари ўртасидаги қардошлик армиясидир, совет мамлакати халқлари, озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилучи армиядир.

☆

Ҳарбий оркестр минбарлар ёнидан ўтишқ блан, ҳарбий парад тамом бўлди. Қизил майдонга байрам намойишининг иштирокчилари эўр оқиндай кирабошладилар.

Ўқучи ёшларнинг колоннали бирингетин ўтиб турди. Ўқучилар Ўртоқ Сталининг гулларга ўралган портретларини кўтариб бормоқдалар. Майдон қўшиқларга, шод кишиларнинг қувноқ овозларига тўлди. Ёшларимиз ўтмоқда, улар республикамиз йўлгининг, порлоқ келажагининг тимсолидир. Уларнинг кўзларида бахт нурлари, табассумларида қувноқлик белгилари порлаб турипти.

Республикамиз 25 йил ичида жуда катта муваффақиятларга эришди. Билим ва ма'рифат халқнинг мулки бўлиб қолди. Республикада минглаб мактаб бор. Юзлаб саройларда, лабораторияларда, техника станцияларида коммунизмнинг келажакдаги инсонкорлари бўлган ёш йигит ва қизларимизнинг таланти ўсиб, ривожланмоқда. Бугун ёшларимиз бутун халқнинг фикр ва туйғуларини ифодалаб:

— Бахт-саодатимиз учун жонажон отамиз Ўртоқ Сталинга раҳмат! Ленин—Сталин партиясига шон-шарафлар бўлсин! — деб хитоб қиладилар.

Қизил майдонга меҳнат резервлари колоннали кетидан районларнинг меҳнаткашлари кириб келабошлайдилар. Фабрикалар, заводлар, транспорт, алоқа, илмий муассасалар, министрликлар ва идораларнинг ишчи ва хизматчилари, студентлар, сан'ат аҳллари шаҳдам қадамлар ташлаб ўтадилар.

Октябрь районининг меҳнаткашлари қизил алвонга ёзилган катта шиорни кўтариб ўтадилар. Алвонга: «Яшасин Ўзбек халқининг оғаси ва дўсти — улуғ рус халқи!» деган сўзлар ёзилган.

Ленин районининг колоннасида Каганович номли паровоз-вагон ремонти заводининг ишчилари ўтадилар.

Байрам намойиши қатнашчиларининг мағрур овози янграйди:

— Яшасин ва мустаҳкамлансин халқларимизнинг сталинча дўстлиги!

— Яшасин улуғ Ленин—Сталин партияси!

Жуда кўп шиор, плакат ва суратлар 25 йил ичида босиб ўтилган шонли йўлни ва буюк меҳнат зафарларини ҳикоя қилади.

Қуйбишев районининг меҳнаткашлари: «Ўзбекистон саноатлашган илғор республика бўлиб қолди» деган шиорни кўтариб ўтдилар. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси илғор совет техникаси блан қуролланган саноат ва қишлоқ хўжалиги республикасидир. Байрам намойиши қатнашчилари —социалистик саноатимизнинг илғор кишиларидир. Мана, Ворошилов номли заводнинг ишчилари бормоқдалар. Бу корхона сталинча беш йилликлар даврида қурилди. Ворошилов номли завод қишлоқ хўжалиги учун хилма-хил машиналар ишлаб бермоқда. Тошкент ва Андижондаги, Чирчиқ ва Самарқандаги, бошқа катта шаҳарлардаги корхоналар ҳам қишлоқ хўжалиги учун жуда кўп машиналар, асбоб-ускуналар ишлаб бермоқдалар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги деярлик тўла машиналаштирилди, бу машиналарнинг кўпини республикамиз заводлари ишлаб чиқармоқдалар.

Катта бункерли тўқ ҳаворанг машина майдондан ўтали. Ҳамма бу машинани олқишлайди. Машинага: «Ўзбекистон республикасининг 25 йиллигига совга. Пахта териш машинаси СХМ—48», деб ёзиб қўйилган.

Машинасозлар сафба-саф ўтмоқдалар. Саноатлашган, илғор қишлоқ хўжалиги республикаси бўлган Ўзбекистонда машинасозлик етакчи соҳадир.

Минбарларда қарсақлар янграйди. Сталин номидаги Тошкент Тўқимачилик комбинатининг ишчи ва хизматчилари ўта бошлайдилар. Бу комбинат—сталинча беш йилликлар меваси. Ўзбек халқи ўзининг бу корхонаси ва унда ишловчи минглаб ходимлар блан фахрланали. Бу комбинат Иттифоқдаги энг яхши тўқимачилик комбинатларининг биридир. Сталин номидаги тўқимачилик комбинати чет эллардаги тўқимачилик корхоналаридан техника жиҳатидан жуда устун турали. Ўзбекистонинг газламаси бутун мамлакатга машҳур. Комбинат республика юбилейи шарафига, ўтган йил планини муддатидан илгари бажарди, комбинатнинг бирқатор фабрикалари январьнинг ўнбешкунлик программасини байрамгача ошириб бажардилар.

«Под'ёмник», «Таштекстильмаш», «Коммунар» заводларининг ва «Қизил тонг» фабрикасининг коллективлари Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллигига олган мажбуриятларини шараф блан бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Республиканинг тенгдошлари бўлган бу корхоналар ва маҳаллий полиграфия саноати кўп корхоналарининг коллективлари бугун қизил майдонга гурур блан келиб кирмоқдалар. Бу корхоналарда жуда кўп стахановчилар, ишлабчиқариш новаторлари етишиб чиққан.

Учта ҳаворанг шойи байроқ баланд ҳилпирали. Университет колоннаси майдонга кириб келали. Икки минг студент, САГУ профессорлари минбарлар ёнидан шаҳдам қадамлар ташлаб ўтадилар. В. И. Ленининг ташаббуси блан ташкил этилган бу университет республикамизда олий ма'лумотга асос қўйали.

Жуда кўп колоннилар очилиб турган кўсак тасвирини кўтариб ўтдилар. Пахта учун кураш —республикамизда умумхалқ ишидир.

Қизил майдон бўйлаб улуғ Сталин шарафига, большевиклар партияси ва совет ҳукумати шарафига, халқлар дўстлиги ва Ватанимизнинг улуғворлиги шарафига айтилган хитоб сўзлари янграйди. Намойиш иштирокчилари улуғ Сталининг содиқ сафдоши Лазарь Моисеевич Кагановични қутлайдилар. Халқ, Ўзбекистон совет республикасининг 25 йиллигини шодиёна байрам қилали.

☆

Қизил майдон бўйлаб халқнинг байрам юраши 4 ярим соат давом этди. Намойишга 350 минг киши иштирок этди. Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги шарафига ўтказилган байрам намойиши Ўзбекистон меҳнаткашларининг ватанпарварлиги, Ленин — Сталин партиясига мислсиз садоқати, улуғ устоз ва дўст Ўртоқ Сталинга муҳаббати намойишига, халқларимиз Совет Иттифоқининг куч-қудратини янада ошириш учун курашга тайёр эканлигини кўрсатучи намойишга айланди.

Ўзбекистон ССР 25 йиллигининг байрам қилиниши

АНДИЖОН

16 январьда меҳнаткашлар депутатлари Андижон область Советининг Ўзбекистон ССР 25 йиллигига бағишланган юбилей сессияси бўлди. Сессиянинг ишида область ва шаҳар партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг стахановчилари, донгдор кишилар қатнашдилар.

Йиғилиш қатнашчилари фахрий президиумга ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўртоқ Сталин бошлиқ Сиёсий бюросини баланд руҳ блан сайладилар.

Республиканинг 25 йиллиги тўғрисида область ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Ҳожибеков доклад қилди. Докладчи ўзбек халқининг чорак аср ичида эришган катта муваффақиятлари ҳақида батафсил гапириб, Андижон область меҳнаткашларининг катта ижодий ишларига тўхталди. Республиканинг пахта мақони бўлган Андижон области 1949 йилда Ватанга 1948 йилдагига қараганда анча кўп пахта берди. Андижон пахтакорлари бу йил пахтадан янада кўпроқ ҳосил етиштириш, давлатга гектардан камида 28 центнердан ҳосил топшириш бел боғладилар.

Докладчи мажлис қатнашчиларининг гулдурос қарсақлари остида Совет халқи эришган барча ғалабаларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси улуғ Сталин шарафига табрик сўзлари айтиб ўз сўзини тамомлади.

Сессия қатнашчилари Ўртоқ Сталинга баланд руҳ блан табрикнома қабул қилдилар.

ФАРҒОНА

Шаҳар байрамдагидек безатилган. Қизил алвонларга «Яшасин Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги!», «Улуғ Сталинга шон-шарафлар бўлсин!», «Яшасин Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги!» деган сўзлар ёзилган.

Область театри биносида юбилей виставкаси очилди.

16 январьда театр биносида меҳнаткашлар депутатлари область Советининг юбилей сессияси бўлди.

Фахрий президиумга ВКП(б) Марказий Комитетининг улуғ Сталин бошлиқ Сиёсий бюросини сайлаш тўғрисидаги таклиф гулдурос қарсаклар блан кутиб олинди.

Ўзбекистон К(б)П область комитетининг секретари Ўртоқ Мухсинов Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Сессия қатнашчилари Ўртоқ Сталинга баланд руҳ блан табрикнома қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

НАМАНГАН

Наманган областининг меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллигини шодиёна байрам қилдилар. Район марказларида, колхозларда, совхозларда, корхоналарда тантанали йиғилишлар бўлиб ўтди.

16 январьда Навоий номидаги театр биносида меҳнаткашлар депутатлари Наманган область ва шаҳар Советларининг бирлашган сессияси бўлди.

Сессия фахрий президиумга ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўртоқ Сталин бошлиқ Сиёсий бюроси баланд руҳ блан сайланди.

Наманган область партия комитетининг секретари Ўртоқ Юнусов Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги ҳақида доклад қилди.

Докладчи республика ўзининг юбилейига қонг катта муваффақиятлар блан келганлигини сўзлаб берди.

Ўртоқ Юнусов ўз докладининг охирида совет халқи эришган барча ғалабаларнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси Ўртоқ Сталин шарафига табрик сўзлари айтди. Театр биносида гулдурос қарсаклар янграйди.

Сессия қатнашчилари Иосиф Виссарионович Сталинга баланд руҳ блан табрикнома қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

ХИТОЙ — СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИ ЛЕНИН КУНЛАРИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ПЕКИН, 17 январь. (ТАСС). Хитой—Совет дўстлиги жамияти Пекинда Ленин кунларини кенг нишонлашга тайёрланмоқда. 21 январьда Чжунфо университетида тантаналимотам мажлиси бўлали. Мажлисда жамиятнинг бош секретари Цзянь Цзюньжуй доклад қилали. Пекинда икки кун мобайнида «Владимир Ильич Ленин» ва «Милтиқли киши» деган совет фильмлари кўрсатилали.

21—23 январьда Хитой—Совет дўстлиги жамияти В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фото-расмлар виставкаси ташкил қилали.

Пекин радиостанцияси уч кун давомида радио орқали В. И. Ленин тўғрисида махсус эшитиришлар ўтказали.

«Аср» журналининг яқинда чиққан сони В. И. Ленинга бағишланган. Журналда Ленин тўғрисидаги мақолалар блан бир қаторда Владимир Ильичнинг Иосиф Виссарионович Сталинга ёзган хатларининг таржималари, шунингдек бошқа материаллар ҳам бор.

БУЛҒОРИЯ ХАЛҚ МАЖЛИСИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

СОФИЯ, 17 январь. (ТАСС). Бугун Софияда 1949 йил 18 декабрьда сайланган Халқ мажлисининг навбатдаги биринчи сессияси очилди.

Сессиянинг биринчи мажлисини энг кекса депутат доктор Рачо Ангелов очиб, Улуғ халқ мажлиси президиумининг бу сессияни чақириш тўғрисидаги фармонини ўқиб эшитдирди. Рачо Ангелов қисқа нутқида, Халқ мажлиси Булғория Халқ республикасининг қонунларига ва янги конституцияга тўла мувофиқ равишда Улуғ халқ мажлисининг мамлакатни сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан социализм йўлидан янада ривожлантириш тўғрисидаги ишларини давом этдираси, деб уқдириб ўтали.

Раис Рачо Ангелов Булғория Халқ республикаси, булғор халқи шарафига ва бутун инсоният устози ҳамда йўлбошчиси Генералиссимус Сталин бош бўлган қардош Совет Иттифоқи шарафига табрик сўзлари айтиб, биринчи сессияни очиқ деб э'лон қилали.

Халқ мажлиси бюроси ва сайловнинг қонунга мувофиқлигини текширучи комиссия сайлангандан кейин Халқ мажлиси бюросининг раиси Фердинанд Козовский Булғория Халқ республикасининг конституциясига мувофиқ ҳукумат иште'фо берганлиги тўғрисида республика Министрлар совети раиси Василь Коларов томонидан бюро номига ёзилган мактубини ўқиб эшитдирди.

Шу блан Халқ мажлиси сессиясининг биринчи мажлиси тамом бўлали. Эртага сессия ўз ишини давом этдирали.

Сессиянинг кун тартибида: сайловларнинг қонунга мувофиқлигини текширучи комиссиянинг доклади, Улуғ халқ мажлиси президиуми томонидан нашр этилган фармонларни тасдиқлаш, Халқ мажлиси президиумини, қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссияни, бюджет комиссиясини, ташқи ишлар комиссиясини сайлаш, ҳукуматнинг иште'фосини муҳокама қилиш ва Министрлар совети раисини сайлаш масалалари бор.

СССР ва халқ демократияси мамлакатларининг вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотлари комитетларидан чиқиб кетдилар

НЬЮ-ЙОРК, 16 январь. (ТАСС). Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатларининг вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларида гоминдан тўдасининг вакиллари ғайри қонуний равишда иштирок қилаётганлигига қарши норозилик билдириш юзасидан 16 январьда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуйидаги органлари мажлисларини, чунонч: Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашнинг иш тартиби масалалари блан шуғулланучи комитети, майда миллатларни камситишга қарши кураш ва уларни ҳимоя қилиш масалалари блан шуғулланучи кичик комитет, гражданлик ҳуқуқидан маҳрум этилган кишилар масаласи блан шуғулланучи махсус комитет мажлисларини ташлаб чиқдилар. Совет вакили бу органларнинг мажлисларида гоминдан группасининг вакилини мажлис залидан чиқариб юборишни таклиф этган эди. Мажлис раислари совет вакилининг таклифини муҳокама қилишдан бош тортганликлари сабабли, СССР ва халқ демократияси мамлакатларининг вакиллари мажлисларни ташлаб чиқиб кетдилар.

Швейцария ҳукумати Хитой халқ республикаси блан дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор қилди

БЕРН, 17 январь. (ТАСС). Бугун Швейцария федерал кенгаши Хитой халқ республикаси Марказий ҳукуматини дегюре таниш тўғрисида қарор қабул қилди.

Гоминдан савдо кемалари Хитой халқ республикаси Марказий халқ ҳукумати томонига ўтдилар

НЬЮ-ЙОРК, 16 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Гонконгдаги мухбири хабар берали: «Чайна мерчантс стим нэвигейшн компани» деган гоминдан савдо кемачилиги компаниясига қарашли 13 пароход Хитой халқ республикаси Марказий халқ ҳукумати томонига ўтали.

ФРАНЦИЯДА ДЕГОЛЛЧИ БЕЗОРИЛАРНИНГ ИҒВОГАРЛИГИ

ПАРИЖ, 16 январь. (ТАСС). Кеча деголльчиларнинг моторлаштирилган қуролли отрядлари Париж атрофидаги ишчилар яшайдиган Иври-Сена деган шаҳарчага ҳужум қилдилар. Қуролланган 1.500 деголльчи «Рассамблеман» газетасини тарқатиш баҳонаси блан автомашина ва мотоцикларда Иври-Сена шаҳарчасига бостириб кирдилар. Улар чорраҳаларга қоровул қўйиб, аҳоли блан тўқнашув уюштиришга урундилар. Деголльчи безорилар отрядларга бўлиниб, «де Голль ҳокимият тепасига қўтарилсин» деб қичқириб, ишчиларнинг оилалари яшаб турган уйларга, коммунистлар партиясининг маҳаллий ташкилоти жойлашган бинога бостириб кирдилар. Шаҳарча аҳолиси дарҳол кўчаларга чиқали. «Юманите-димаш» газетасини сотучилар дарҳол ҳимоя остига олинди. Маҳаллий аҳоли коммунистлар партияси ташкилоти жойлашган бинога кетаётган деголльчиларнинг йўлини тўсали. Деголльчилар қурол блан дўқ қилиб, «виллис» машиналарида халқ сафини ёриб ўтишга урундилар. Аммо ишчилар яшаб турган уйларнинг деразаларидан уларга ҳархил нарсалар, ахлат ва чиқиндилар отдилар. Безорилар чекинишга мажбур бўлдилар. Бошқа кўчаларда ҳам деголльчиларга шундай қаршилиқ кўрсатилали. Уй-рўзғор ишларида банд бўлган хотинлар деголльчиларни бозорга киргизмадилар.

«Юманите» газетаси бундай деб ёзали: «Бир ёш йигит уй деворига «Вьетнамда тинчлик ўрнатилсин» деб ёзган, бу шаҳарчада катта активлик кўрсатган Жюль Мок полицияси деголльчилар ҳужум қилган вақтда уларга қарши ҳеч қандай чора кўрмали».

Бошқа газеталарнинг ёзишича ҳам, полиция деголльчиларга қаршилик кўрсатмаган. Турли департаментлардан келган қуролли деголльчилар аҳолининг қаттиқ қаршилигига дуч келгач, тез орада Иври-Сенадан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.

Қуролли деголльчиларнинг машиналарга тушиб Иври-Сенага қилган ҳужуми бу шаҳарчадаги барча меҳнаткашларни ниҳоятда ғазаблантирди. Деголльчилар партиясининг фашист методларини фош қиладиган мингларча варақалар дарҳол тарқатилди. «Аммо бу гал, — деб ёзали «Юманите» газетаси, — полиция бу варақаларни тарқатучи кишиларга қарши чора кўришга уринди».

Бугун Иври-Сенадаги демократик ташкилотлар шаҳарча меҳнаткашларини деголльчиларнинг иғвогарлиқдан иборат ҳаракатига қарши норозилик билдириш юзасидан маҳаллий вақт блан соат 16 дан бошлаб ҳамма корхоналарда қисқа муддатга ишни тўхтатишга чақиридилар. Шаҳарча майдонида норозилик митинги бўлали.

Миллат мажлисининг депутати коммунист Раймон Гюйо деголльчиларнинг Иври-Сенадаги иғвогарлиги тўғрисида, шунингдек фашистларнинг бу ҳужумини уюштирган кишиларга жазо бериш ва деголльчи қуролли тўдаларни тарқатиб юбориш юзасидан ҳукумат қандай чоралар кўрмоқчи эканлиги тўғрисида Миллат мажлисида ҳукуматга савол беражагини айтали.

ХРОНИКА

СССР Олий Советининг Президиуми Ўртоқ Михаил Георгиевич Первухинни СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари қилиб тайинлали ва уни Химия саноати министри вазифасидан озод қилали.

☆

СССР Олий Советининг Президиуми Ўртоқ Сергей Михайлович Тихомировни Химия саноати министри қилиб тайинлали.

Мас'ул муҳаррир Ўринбосари:
Б. РАҲМОНОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19 январьда **Айбсиз айбдорлар.** 20 ва 21 январьда **Генерал Раҳимов.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—20 январьда **Тоҳир ва Зуҳра.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программада **байрам тамошалари. Классик курашлар.** Арбитр-раҳбар — **П. П. Бредихин.**

«РОДИНА» — 19 январьда кундуз **Ленин Октябрьда,** кечқурун **Икки жангчи,** 20 январьда кундуз **Ленин 1918 йилда,** кечқурун **Икки жангчи.**

«НАВОИЙ» (Беш'ёғоч) — 19 январьда кундуз **Гўзал Василиса,** кеч соат 6 да **Улуғ граждан** (1-нчи серия), кеч соат 8 ва 10 да **Камалак,** 20 январь кеч соат 6 да **Виборг томони,** колган сеансларда **Константин Заслонов.**

«ИСКРА» — 19 январьда 1-нчи залда кеч соат 5 ва 7 да **Совет Ўзбекистони,** қолган сеансларда **Царицин мудофаси,** 2-нчи залда **Сталинград жанги** (2-нчи серия), 3-нчи залда **Азамат** (рус тилида).

«ЕШ ГВАРДИЯ» — 19 январь эрталаб соат 11 ва кеч 5 да **Виборг томони,** қолган сеансларда **Айбсиз айбдорлар,** 20 январь эрталаб соат 11 ва кеч 5 да **Ленин Октябрьда;** қолган сеансларда **Айбсиз айбдорлар.**

Қуйидаги
ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА
обуна қабул қилиш давом этдирилади

ГАЗЕТАЛАР:

«Қизил Ўзбекистон»
«Правда Востока»
«Ёш ленинчи»
«Комсомолец Узбекистана»
«Ленин учқуни».

ЖУРНАЛЛАР:

«Агитатор блокноти»
«Коммунист»
«Шарқ юлдузи»
«Фото-газета»
«Звезда Востока».

Тошкент шаҳрида обуна «Союзпечать»нинг шаҳар бўлимида (Карл Маркс кўчаси, 25-нчи уй), жойларда — Алоқа министрлигининг район конторларида ва почта бўлимларида қабул қилинали.

Февраль ойидан йилнинг охиригача обуна қабул қилиш учун охирги муддат—22 январьгача.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими — 31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими — 32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.
«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1272. Р 00925.